



ЖОНДАН АЗИЗ ВАТАНИМИЗ - ХУР ЎЗБЕКИСТОННИ

Ислом КАРИМОВ:

Хар бир сайловчи ўз бурчини собиқ иттифоқ даврида бўлгани каби сайлов бюллетенларини оила-оила бўлиб қўтига ташлашдан иборат деб билмай, аввал айтганимдай бу жараёнга онгли равишда ёндошмоғи, ўз овози, жамият ва давлат ҳаёти учун, келажак учун аҳамиятли эканини, сайловчи сифатида зиммасида катта масъулият борлигини англаб етишга эришмоғи даркор.

Бизнинг номзодлар

УМР МАЪМУНИ

Инсон ҳаётида ҳаяжонли дамлар кўп бўлади. Аммо Дилбар опа ўша кунни сира унутмайди. Тошкент туманидаги Навоий номида жамоа хўжалиги клубида Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар билан учрашув бўлиб ўтмоқда. Минбарга олпоқ соқоли отахон кўтарилди.



Беш нафар номзодимизнинг хар бири хурматга сазовор инсонлардир,- деди у. Аммо Дилбар кизимни яхшироқ таниман. У одамлар мушуқлини осон қилаётган, вақти келса дардига малҳам бўлаётган, кўп савобли ишларни рўёбга чиқараётган, қонунни яхши биладиган тиниб-тинчимас раҳбар.

Одамлар ишончи, бир оғиз ширин сўзи, миннатдор боқиши унга ҳамisha қанот бағишлайди. Бирок ўзини билган одамга бу юксак масъулият Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Дилбар Жаҳонгированинг бахти шуки, у ана шу оққўнли, қадоққўлли меҳнаткашлар манфаатига хизмат қилади, уларнинг ҳақ-хуқуқини қаттиқ туриб ҳимоялайди.

Уни моҳир ташкилотчи, қаттиққўл, уздабурон аёл деб таърифлашди. Зеро, шу фазилавлари бўлмаса адолатни юзага чиқариш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг ҳимояга муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, одамлар соғлигини тиклаш мақсадларига қаратилган кенг қўламли ишларни бажариши мушкул бўларди, албатта. Ахир биргина икки йил мобайнида 600 дан зиёд уруш қатнашчилари, қарийб 1 мингга яқин байналминчал жончилар ва 300 дан кўпроқ Чернобил фалокати иштирокчилари сихатгоҳларда имтиёзли йўлланма билан саломатликларини мустаҳкамладилар. Шу давр ичида 150 мингдан кўпроқ ҳам таъминланган, кўп болали оилалар бепул йўлланма билан сихатгоҳларда бўлишди.

Мустақиллик шарофати ила Ўзбекистонни жаҳон таниди, тан олди. Энди хар соҳада баркамолликка эришиш, ўзлимизни муносиб равишда намоян этиш дил муддасидир. Бир вақтлар олдиндан оққан сувнинг қадрини йўқ, деганларидек жаннатман гўшаларимиз туриб қаерларгадир ошқидик. Серкўбш диёримиз табиати, шифобахш сувлари-ю неъматининг қадрига энди етаяпмиз. Федерация Кенгаши раиси давр талабига кўра Чимбой туманида «Гулпарчин» она ва бола санаторийси, «Оқтош», «Турон», «Ботаника», «Қашқадарё соҳили» каби сихатгоҳларида замонавий оилавий кotteжлар, бўлимлар фойдаланишга топширилшида алоҳида жонбозлик кўрсатди. Улар ортида захматли меҳнат, оилар мобайнида қилинган савъ-ҳаракат ётади. Мана хозирги кунда ушбу сихатгоҳларда жаҳон андозларига мос келадиган энг замонавий жиҳозлар ўрнатилган. Уларда йилга қарийб 150 минг киши, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида эса 300 мингдан зиёд меҳнаткашлар фарзандлари соғломлаштирилмоқда. Эътиборлиси шуки, Орол бўйи экологик ноқулай миктадада яшайдиган 4 мингдан кўпроқ болалар Республиканинг энг сўлим, хушманзара гўшаларида мириқиб дам олдилар.

Муаммоларни ҳал этиш, долзарб масалаларни вазирликлар, мутасадди идоралар олдига дадил кўндаланг қўйишда Д.Жаҳонгированинг ишчанлик, ташкилотчилик қобилияти, қатъиятлиги, шифофор сифатида соҳани яхши билиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳаммадан ҳам хўрлик, адолатсизлик ёмон. Айниқса аёл кишининг ҳақ-хуқуқи топталса, у беҳурмат қилинса бунга чидаш қўйин. Афсуски, хали ҳаётда оз бўлсада қонунни ҳурмат қилмайдиган, «мен раҳбарман, менки тўғри» қабилида иш юритадиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Пахтачи тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Рисолат Умарова ноҳақ ишдан бўшатилади. У оилар мобайнида қатор мутасадди идораларга бош уриб берибди. Бирок мушуқли осон бўлмади. Охири Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисига мурожаат этишга мажбур бўлди. Опа бағоят изтиробга тушган аёл билан суҳбатлашди. Ҳақ бўлишидан ташқари иродали, билимдон, ўз нуқтаи назарида собит аёллигига ишонди. Яна адолатни тиклаш учун кураш бошланди. Аммо «жанг» бунчалик қаттиқ бўлади, деб ҳеч ким ўйламаганди. Баъзи раҳбарлар нима қилиб бўлса-да Р.Умаровани ишга тиклашга қайта тикланди. Ҳақ бўлишида аёлнинг ҳолатини кўрсангиз эди. Мухими бу воқеа ҳам кўпчиликка сабоқ бўлди, кимларнингдир кўзини очди, мустақил Ўзбекистонимизда қонун устуворлигини яна бир қарра исботлади. Бу адолатпарвар инсон Д.Жаҳонгирова бошчилигида амалга оширилган кўлаб савобли ишларнинг бири ҳолос.

Муқаддас ташвишлар оғушида ишлар ёмон кетмаёпти. Эзгу ниятлар рўёбга чиқмоқда. Аммо негандир кўнгли нотинч. Ҳая, шу топда хар қандай она каби бутун вужуди Ватанимиз Жанубий чегараларида ўз бурчини аъло даражада ўтаётган фарзанди Жаҳонгирга талпинаётганини сездим. «Тинчмикан, хар ҳолда чегара чегара-да». У ўғлининг чеҳрасини хаёлан кўз олдига келтириб, ўзича суҳбатлашган бўлди. Яхши ниятлар қилди; Яратганининг ўзи хар қадамда мададор бўйсин!

Машина кун сайин чирой очётган кишуқ кўчалари бўйлаб одимлайди. 166-Қизгалдоқ сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод Дилбар Жаҳонгирова ўз сайловчилари хузурига ошқимокда.

Мирғиёс ҚАЮМОВ.

ФАОЛЛИК БИЛАН

Қашқадарё вилоятидаги барча сайлов округлари ва участкалари 5 декабрда Ўзбекистон Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларга тахт қилиб қўйилди. Вилоятда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига сайлов ўтказувчи 20, халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 57, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи 450 округда сайловларга тайёргарлик ишлари нирҳосига етди. Биз Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлов ўтказувчи 231-Қўқдала округида бўлиб, сайловларга тайёргарлик ишлари билан қизиқдик.

Биз Ўзбекистон Респуб-

ВАТАН МЕҲРИ

Корхонамизда уч юздан зиёд касабга уюшма аъзолари ишлайди. Улар доимо маъмурият ва касабга уюшма ташкилоти томонидан хар жиҳатдан ижтимоий ҳимояга олинганлар. Биз энг аввало, оғир шароитда ишлаётган ва хизмат сафаридида бўлган ишчи-хизматчиларимиз ҳақида гамхўрлик қилиб келмоқдамиз. Мисол учун, «Шўртангаз» қурилиши ҳамда Жиззахда ишлаётган 20 нафар хайдовчининг овқати 1998 йил июн ойидан бүён корхонамиз ҳисобидан бўлаётир.

Халқнинг тўй, маъракаси, таъзияси бўлади. Биргина шу йилнинг ўтган даври мобайнида 40 нафар ходимларимизнинг шундай қувонч ва ташвишлари учун 250 минг сўмлик ёрдам кўрсатдик. Жамоамизнинг ёз ойларида «Хўжанқо»даги дам олиш масканида кўнгилли хордиқ чиқаришларини ташкил этмоқдамиз. Бу хайрли ишга кетган харажати ҳам ёрдамчи хўжалигимиз фойдаси ҳисобидан қопладик. Бундан ташқари, тўй, маросим ўтказётганларга махсулотларини арзон нархларда бериб келмоқдамиз. Шифоҳоналарда даволаниб, саломат-

сўмлик кийим-бош беришга муваффақ бўлдик. Бундай олийжаноблик ва гамхўрлик корхонамизнинг иқтисодий кўрсаткичларининг тобора юқори бўлишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу йилнинг 9 ойида кўзда тутилган 88,3 миллион сўмлик ўрнига 91,5 миллион сўмлик халқ хўжалиги юқларини манзилларга етказдик. Йилнинг биринчи яримда соф фойда 1 миллион 361 минг сўмни ташкил этди. Бундай ютуқларга 7 нафардан иборат касабга уюшма фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан мамнунимиз. Ниятимиз ҳаётимиздаги муҳим воқеа - сайловларда фаоллик кўрсатиш.

А.АЗИЗОВ,
Абу Исо Термизий
номидаги 47-авторко-
хона очиқ турдаги
ҳиссасдорлик жамияти
касбага уюшма
кўмитаси раиси.

Ёшим саксондан ошди. Собиқ шўро давридаги сайловлар ҳақида ўйласам, кимларнингдир қўлида қўғирчоқ бўлиб яшаганлигимиз, демократия қоғоздагина мавжуд бўлганлигига ишонч ҳосил қиласан киши.

Мустақиллик қаддимизни тиклади, ҳақиқий инсондек яшаш имкониятини берди. Кўпни кўрган нуруний сифатида бу йилги сайловлар инсон ҳуқуқларини тўла таъминлаётганлигини, демократия талаблари асосида ўтказилаётганлигини чуқур хис қилиб турибман. Яна бир қувончлиси, халқ қизгин маъқуллаган янгиликка қўл урилди. Яъни, сайловлар тарихида биринчи марта ташаббускор гуруҳлар ўзларининг номзодларини кўрсатдилар. Тушунишимча,

ХАЛҚ МАЪҚУЛЛАГАН ЯНГИЛИК

бу янгилик азалий қадриятларимиз бўлмиш маҳаллалар тажрибасига таянади. Кимнинг ким эканлигини унинг маҳалладоши яхши билади. Эндилликда фаоллиги ниҳоятда ошган сайловчи ўзи яқиндан билган, аjoyиб фазилатларини синовдан ўтказган кишиларни қўллаб-қувватлаш имконига эга бўлди. Менинг тушунишимча, демократия тараққиётининг муҳим гарови ҳисобланади. Баъзи сиёсий партиялар муносиб рақиб бўлмиш

Нодир бобо ҚОДИРОХУНОВ,
меҳнат фахрийси,
Навоий вилояти.



Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа арафасидамиз. Республика Парламенти ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига юртпарвар, элсевар, умумманфаат йўлида фидойи номзодларга овоз берилади.

Сайловни ушқоқлик билан ўтказиш учун



сайлов участкаларида тўлиқ шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Суратларда: Ҳамза туманидаги 384, ҳамда Юнусобод туманидаги 580-сайлов участкаларида.

Шавкат АҚРОМОВ олган суратлар.

Конституция кунин олдида

Конституциямиз иқтисодий ислохотларнинг мамлакатимизга хос моделини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун, иқтисодийнинг сиёсатдан устуңлиги, қонун устуворлиги, давлатнинг бошқарувчилиги роли, ислохотларни бошқичма-бошқич амалга ошириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш каби асосий максатлар учун хизмат қилмоқда. У маънавий қадриятларга эътиром, динимизни, урф-одатларимизни, маросимларимизни тўла тиклаш, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш учун мустаҳкам замин яратди.

ҳуқуқи хар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир» - дейилган. «Дахлсиз ҳуқуқ» ва «Узвий ҳуқуқ» ибораларининг моҳияти турлича ва ўзаро фарқи бор, албатта. Уларни тўғри тушуниш ва тушунтириш фойдадан холи эмас. Ҳар бир шахс ваколатли давлат органлари, мутасаддилари ёки халқ вакиллари ариза, тақлиф билан шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (35-модда). Лекин бу ҳуқуқдан адолатли фойдаланиш шарт. Ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан фарз мақсадларда фойдаланиш ҳоллари тобора жиддий ташвиш туғдирамоқда. «Хуқуқим бор» деб бўхтон, туҳмат сохта хабарлар бериш мумкин эмас. Фирқимча, масаланин ана шу жиҳатига эътиборни кучайтириш, ноҳақ ариза ёки шикоятлар ёзиб давлат идораларини, мансабдор шахсларни сарсон қилувчи қал-

Қорақалпоғистон Республикасининг аксарият сайлов округлари ва сайлов участкаларида хар томонлама пухта тайёргарлик қўрилди. Номзодлар билан учрашувлар жараёнида кишилар уларнинг дастурлари билан атрофлича танишадилар. Шу боис, хар бир депутатликка номзод фаолияти, салоҳияти хусусида аниқ тасаввурга эга бўлинди. Мухим сиёсий жараёнда касабга уюшма вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Эътиборлиси

ДЕМОКРАТИЯ ТАНТАНАСИ


шуки, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига 14 та округдан рўйхатга олинган 83 нафар номзоднинг 7 нафари касабгақум раисидир. Улар меҳнаткашлар ҳақ-хуқуқининг устувор ҳимоячиси, деган шарафли номи амалий фаолият орқали оқлаб келётган фидойилардир. Биз бир гуруҳ меҳнат фахрийлари билан суҳбатда бўлдик. Улар бу йилги сайловлар хар жиҳатдан янгиликка бой, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва демократия талабларини тўла жорий этиш асосида бўлаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

А.ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ИНСОН

бирлар ҳақида фуқароларга мунтазам билдириб туриш фойдадан холи бўлмасди. Меҳнат кодексининг 276-моддасида айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш билан

ЯШНАТУВЧИ ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК!



Репортаж

ҚАЛОЛ ВА ОШКОРА ЎТАДИ

314 (19)-сайлов участкаси пойтахти-мизнинг Сирғали туманидаги 7-ўрта мактаб биносида жойлашган. 5 декабр, яшанба кунин «Сирғали-3» мавзесида истиқомат қилаётган 2200 нафар сайловчи ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар учун овоз берадилар.

Бу ер барчанинг севимли масканига айланган. Навбатчилар ташриф буюрганларни очик чеҳра билан кутиб олишади. Уларни кизиктирган саволларга аниқ жавоб беришади. Хоналардаги адабиётлар, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, газеталарда чоп этилаётган муҳим сиёсий жараёнга оид мақолалар кўпчилида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ёш сайловчиларга алоҳида эътибор қаратилган.

Кўпчилик тақлифи инobatга олиниб, ҳуқуқшунослар билан савол-жавоблар ўтказилди. Фикримча, унда кўпроқ иштирок этган ёш сайловчилар ўзларини кизиктирган кўпгина саволларга лўнда жавоб олдилар.

— Илк бор сайловларда қатнашиш имкониятига эгаман, — дейди биз билан суҳбатда Мирниёз Миржалолов. — Номзодлар дастури билан пухта танишдим. 5 декабр кунини кимга овоз беришни яхши билман. Мен овоз бермоқчи бўлган фидойи инсон сайловда голиб чиқиб, депутат бўлиш бахтига мушарраф бўлса халқимизга, давлатимизга катта наф келтиришига ишонаман. Бир нарсадан кўнглимиз тинч: сайловлар ҳалол ва ошкора ўтади.

Қ.БЕКМАТОВ, Сирғали туманидаги «Янги ҳаёт» фуқаролар йиғини котиби.

Биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайлов ўтказувчи 230-мактаб биносида жойлашган 382-сайлов участкасидамыз. Ҳаммаёқ чиннидек тоза. Ичкарида бир неча киши иш билан банд. Хона сайловга доир широрлар, турли адабиётлар, газета-журналлар, алоқа воситаси-телефон билан таъминланган. Мазкур участка сайлов комиссияси раиси муовини Наима Ғоибназарова билан суҳбатлашамиз.

— Сайлов — бу биз, ташвиқотчилар учун ҳам имтиҳон. Вазирамиз сайловчилар ўртасида ҳар бир фуқаронинг сайлаш ҳуқуқи, шунингдек, аввалги сайловдан ушбу сайловнинг фарқи ва бошқа масалаларни тушунтиришдан иборат. Шу билан бирга, сайловчилар рўйхатини ҳам тайёрлаб кўйдик. Ушбу участкада 2600 нафар сайловчи ўзлари танлаган номзодларга овоз берадилар. Шунингдек, овоз бериш жараёнида сайловчиларнинг юз фоиз қатнашиши таъминлаш мақсадида ўзимиз масъул бўлган кўчалардаги хона-

БУРЧИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

донларда кенг тушунтириш ишларини олиб бораёғимиз. — Бу йилги сайловнинг аввалгисидан фарқи нимада, деб биласиз? — Аввалгисидан сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йўқ эди. Эндиликда эса ўзини-ўзи бошқариш жамоат ташкилотлари вакиллари гуруҳга уюшиб, ўзларига маъқул кишиларнинг номзодини кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш ваколатига эга бўлди. Бу — де-

мократиянинг амалдаги кўринишларидан биридир. Биз ўқитувчилар хонасида суҳбатни давом эттирдик.

— Мафқуравий кишанлардан кутилганимизга, мана, саккиз йилдан

ўзбекчилигимизга бориб «мендан нима кетди» деб бюллетенни кутига ташлаб кетаверардик.

— Эътибор қилинг, — дейди Дано Эрмамова, — ўтган сайловдан кейин фидойи инсонлар мавзёда транспорт қатновини яхшилашга, замонавий гузар ҳамда 100 ўринли сув ҳавзасини барпо қилишга бошқош бўлдилар. «Сирғали-Янгиобод» автобус йўналиши ҳамда «Шимол-Вокзал-Рохат» трамвай қатнови йўлга қўйилди. Биз бу сайловда ҳам сўзи билан иши бир, салоҳиятли, билимли, фидойи кишига овоз берамиз.

Ҳақ гап. Энг муносиб номзодлар учун уюшқоқлик билан овоз берсак, фуқаролик бурчимизни бажарган бўламиз.

Қидирбой Тўлабоев, Ҳамза тумани.



Китоб туманининг Севаз қишлоғида Бизнес мактаби ташкил қилинганлигига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ерда 650 нафар талаба 12 йўналиш бўйича касб-хунар ўрганишади. Сайловларда илк бор овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ушбу даргоҳ тингловчиларининг қувончи чекиз.

Суратда: Тажрибали ўқитувчи **Насрулло Мансуров** талабалар билан суҳбатлашмоқда.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

МАСЪУЛИЯТЛИ ОНЛАР

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи «215-Янгиарик» сайлов округи тумандаги 9 та қишлоқни, Хонқа туманидаги битта «Қорақош» қишлоғини ўз ичига олган. Сайловчилар сони 48,2 минг кишини ташкил қилади. Бу галги сайловларга ҳам тайёрларлик ҳар қачонгидан ҳам фаоллик ва уюшқоқлик билан олиб борилди.

— Сайлов жараёнида бу йил бўлаётган ўзгаришлар, хусусан, ташаббускор гуруҳларнинг ташкил қилиниши, фаоллигимизни оширишга сабабчи бўляпти, — дейди Янгиарик округ сайлов комиссиясининг раиси

Ражаббой Саидов. — Сайлов округи ҳамшира сайловчилар билан гавжум. Бу ерга ташриф буюрганлар билан мулоқотда савол-жавобларга кенг ўрин берилаяпти. Округда Олий Мажлис депутатлигига битта ўринга беш нафар номзод рўйхатдан ўтган. Бу номзодлар «Адолат», «Фидокорлар», Халқ демократик партиялари, туман ва вилоят ҳокимлигидандир. Номзодларнинг барчаси иқтисодий, сиёсатни, ташкилотчиликни яхши биладиган кишилардир.

Э.ЭРМАТОВ.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Бугун сайловолди тарғибот-ташвиқот олиб боришнинг охириги кунин. Республикамиз фуқаролари ўзларига маъқул бўлган номзодлар учун эртага овоз берадилар.

Олий Мажлис депутатлигига 187-Олтиарик сайлов округидан номзоди кўрсатилган Олтиарик нефтни қайта ишлаш заводи директори И.Хайдаров (халқ депутатлари Фаргона вилояти кенгашидан), республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбир-

корлар палатаси раиси М.Собиров («Ватан таракити» партияси) Марказий Кенгашидан), Фидокорлар миллий демократик партияси Олтиарик туман кенгашининг биринчи котиби О.Ҳикматов (мазкур партиянинг вилоят кенгашидан), «Ўзнефтгазказибчиқариш»

хиссасдорлик компанияси бошқармасининг директор уринбосари М.Вакилов (Адолат социал демократик партияси)дан)лар 333-Повулгон сайлов участкасида сайловчилар билан учрашдилар.

Мазкур учрашувда муқобил номзодлар ўзаро сами-

мий ҳурмат асосида сайловолди ҳаракат дастурларини эълон қилишди. Шунингдек, улар сайловчилар томонидан берилган барча саволларга қониқари жавоб қайтардилар.

Р.ҲОМИДОВ, «Ишонч» мухбири.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ Такрорий сайлов хусусида

Ҳурматли тахририят! Номзодлардан бирортаси сайловчилар сонининг 50 фоиз овозини ололмас, такрорий сайлов ўтказиларкан. Шу ҳақда тушунча берсангиз.

Масалан, Олий Мажлисга сайлов бир мандатли худудий сайлов округлари бўйича беш йилга сайланадиган икки юз эллик нафар депутатдан иборат бўлиши таъминланган ҳолда ўтказилади. Шунинг учун Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари худудиди 250 та сайлов округлари тузилиб, уларнинг ҳар биридан биттадан депутат, яъни энг кўп сайловчиларнинг овозини олган номзод сайланади.

Агар бир сайлов округидан икки номзод кўйилган бўлса, уларнинг бирортаси ҳам сайловчилар сонининг 50 фоиз овозини ололмас, такрорий сайлов ўтказилади. Такрорий сайлов сайловдан кейин кўпи билан бир ой мuddат ичида бўлиб ўтади. Агар бир сайлов округида иккитадан ортиқ номзод кўйилиб, улардан бирортаси ҳам керакли овозни ололмасалар, энг кўп овоз олган икки номзод икки ҳафта ичида такрорий овозга қўйилади.

Д.АХМЕДОВ, ҳуқуқшунос.

— Э, Толибжон, бормисиз? — ўрнидан даст туриб олди ижрокўм масъул котиби Беккелли Хонкелдиев. — Суюнчи беринг.

— Тинчликми?

— Мартабонгиз ошадиган бўлди. Яна бир ҳафтадан кейин район кенгаши сессияси. Хўжайин ўз маърузасида нақазларни энг яхши бажараётган битта депутатни ҳаммага кўз-кўз қилмоқчи. Шунга сизни танладик!

Толибжоннинг ранги қув ўчди: — Йўғ-е. Бошқа дурустроқ депутат қуриб кетгидимми? Мени кўйинг, ака, мениям шарманда қилманг, ўзларингизям.

— Бу нима деганингиз? Об-рўйингизни том бўйича кўтармоқчимиз. Том бўйи-я. — Ахир, танангизга бир ўйлаб кўринг, котиб ака. На сайлов олдида, на сайловдан кейин ақалли бир марта сайловчилар билан учрашмаган бўлсам. Улар ҳам менга ҳеч қандай нақаз беришмаган бўлса.

Толибжон шу билан гап тамом дегандай, кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Вой, содданиям худо ургани экансиз-ку! Нақазларнинг нимасидан хайқасиз? Уни тўқиб-бичишдан осони бор эканми? Утиринг, хозир икковимиз ўнтасини маржондай тизиб ташлаймиз!, — ко-

тиб шундай деб қўлига қалам-қоғоз олди, — Янги чекда яшай-қоғоз олди? Сайлов ўтгандан бери маҳаллангизда қандай ўзгаришлар бўлди?

— Ўзгариш... — Толибжон бош қашлаб қолди, — кейинги етти-саккиз ой ичида... анча-мунча иш... кўни-қўшниллар пул йиғишиб, кўчага шагал ётқизишди...

— Ана! Бор экансиз-ку, — бузук қулфга калит толгандай суюниб кетди котиб, — демек, сайловчиларингиз кўчани ободонлаштиришни сизга нақаз қилиб беришган. Сиз қойилмақом қилиб бажаргансиз!

ЛОЙДАН ҲУШТАК (ҳажвия)

— Менмас. Мен ёғи таътилга чиқиб, Бўстонликда дам олаётгандим. Ҳали пулиниям берганим йўқ. Қўшниллар ўзлари хашар уюштиришти.

Котиб Толибжоннинг куйиниб айтган бу гапига қўл силтди.

— Ёзиб қўямиз: «Кўчаларга шагал ёт-ки-зил-ган». Мана, битта нақаз тайёр. Хў-ўш, яна қандай ўзгаришлар бўлди?

— Яна... яна... беш-олти киши

томини ёғиб, янги уйига кириб олди.

— Ана! Депутат деган бундоқ бўпти! Демек Янги чек аҳолиси сайловолди йиғилишида уй қурувчиларга қурилиш материалларидан ёрдам беришни сўраган. Сизнинг шарофатингиз билан эллик-олтмиш киши...

— Эллик-олтмиш киши эмас, беш-олти киши, холос.

— Ҳалал берманг. Эллик-олтмиш киши... — Янги чекда бор-йўғи ўттиз бир хўжалик бор холос, Беккелли ака!

— Ҳалал берманг, деганман сизга... Эллик-олтмиш киши уйини бит-

хаммаси мени кўрса, юзинг қурсин дегандай тескари қараб ўтишяпти. Агар фанер, шиферлар менинг бошчилигимда топилган деганимни эшитиб қолишса, бира-тўла эшакка тескари миндириб, маҳалладан қувворишади! шуни хоҳлайсизми?

Беккелли Хонкелдиев бу гапга-ям қулоқ солмади.

— Келинг, гапни чалғитманг-да, яна қанақа ўзгаришлар бўлганини айтинг.

— Беккелли ака, икковимиз худди лойдан хуштак ясаётганга ўхшашамиз. — Ҳеч қандай лойдан хуштак ясаётганимиз йўқ. Ҳамма ерда шу. Хў-ўш, сайлов ўтганига бир йил тўлмасдан сиз аллақачон иккита нақазни бажарган бўл-дин-гиз, — котиб ёзиб қўйди ва яна Толибжонга савол назари билан қаради.

— Давом этинг. Яна нима ишлар қилмоқчисизлар?

— Яна... Ўзаро пул тўпалаб электр олиб ўтмоқчимиз, сув келтирмоқчимиз.

— Ана! Ана нақазнинг зўрлари! Ёзиб қўямиз: электр тушириш билан сув олиб келишдан иборат икки нақаз бажа-ри-лиш ар-афасида ту-рип-ти. Бўлди, сизга рухсат. Мен яна бошқа депутатлар билан ҳам учрашимиз керак...

М.АБДУКАРИМОВ

боғлиқ ҳолда етказилган зарарни ундириш масалаларига тааллуқли меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқишли ҳақида қонда бор. Мазкур модданинг мазмунига кўра, яна қандайдир қонун қабул қилиш, унда давлат хизматчиларининг назар-

ни шахслар эмас, қонунлар бошқаришга эришишдан иборат.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар барча ҳуқуқлар тизимида биринчи ўринни эгаллагани бежиз эмас. Бу уларнинг энг муҳимлиги, қимматли, эъзозли, умидбахшлигидан дарак беради. Шахсий ҳуқуқлар

Ўзбекистонга келиш ва унда кетиш эркинлигини; 30-модда — шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор ахборот, ҳужжат, материаллар билан танишув ҳуқуқи.

Умуман ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинлик, Конституция ижозат берганидек, қонун билан ва суднинг қарори

ламаслик, мораторий белгилаш, келажақда аста-секин бекор қилиш инсонпарварлик руҳига мос, деб уйлайман.

Конституциянинг 26-моддасидан жой олган айбсизлик презумпцияси ҳам кенгрок тушинилиши лозим. Жумладан, мусулман ҳуқуқига кўра, барча

ҳатто гумон остидаги шахсга ҳам бу ҳуқуқни кафолатлайди.

27-моддага мувофиқ, инсоннинг шаъни, обрўси, турар жой дахлсизлиги таъминлаши, ёзишма ва телефон сўзлашувларининг сири ошқор этилмаслиги шарт. Бу дахлсизликлар ҳам тегишли қонунлар

лиши лозим. Сўз эркинлиги осейишталikka, тартибга, одобга пугур етмаслиги керак. Театрда спектакл кетаётганда томошабиннинг «ёнғин» деб бақариши сўз эркинлиги бўлмайди, албатта.

44-моддага биноан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу борада 1995 йил 30 августда махсус қонун қабул қилинган. Аммо 1998 йил давомида судларда кўрилган шундай шикоят ишлари юзтага ҳам етмайди. Ҳаётда бундай шикоятлар жуда кўп бўлсада, қонунимиз амалиётда камдан-кам қўлланилмоқда. Бунга сабаб қонун билан белгиланган тартибнинг мураккаблиги ёки кўпчиликка тушунарли эмаслигидандир. Конституция ва қонуна-

да жиддий кафолатланмоғи лозим. 29-моддада фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, 31-моддада виждон эркинлиги ифода этилган. Шубҳасиз, ҳар бир эркинлик мейёри билан бўлмоғи керак. Ошқор қилиниши Конституциявий тузумга пугур етказиши эҳтимоли булган ахборот ва давлат сирлари айниқса жиддий муҳофаза эти-

лими устултиги, даставвал, уларнинг нормаларини барча бир хилда тушунишни талаб қилади. Бунинг учун, биринчидан, қонуннинг матни аниқ, оддий, раван, ички зиддиятлардан ҳоли бўлмоғи шарт. Иккинчидан, қонун билан таъинловчиларнинг, ундан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий онги ҳам етарли даражада бўлиши лозим. Шундангина у қонун қучидан тўғри ва тўла фойдалана олади, бошқаларга қонуний талаб қўя олади. Агарда бундай талаб бўлса, тобе муассаса, қорхона, ташкилот маъмурияти фақат юқоридан келган топшириқ доирасида ишлашга одатланади, ўзига берилган ваколатни бажаришда мустақиллик ҳиссини йўқотди. Бундай ноҳуш ҳолларга барҳам бериш — аҳолининг барча қатламларини, айниқса лавозимли ходимларни ҳуқуқий билимдон бўлишига эришиш билан боғлиқ, албатта.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституция бай-

рами арафасида Олий Мажлисга ва маҳаллий Кенгашларга депутатлар сайланади. Номзодлар билан учрашувлар демократик таомиллар асосида ошқора, кизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтмоқда. Номзодларнинг сайловолди дастурлари амалга тўла ошириш, у берган имкониятлардан самарали фойдаланишни назарда тутати. Сайловчилар ўз бурчларига тобора жиддий масъулият билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқдалар.

Эндиликда бўлажак депутатлардан майда-чуйда ваъдалар эмас, ижтимоий-сиёсий фидокорлик талаб қилинмоқда. Муқобиллик тамойили сайловларга ўзгача, ҳақиқий ҳалоллик руҳини бағишламоқда.

Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси.

ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

да тутилган айрим тоифасини, уларнинг кўрсатилган масалаларга тааллуқли меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартибидан белгилаш лозим. Конституцияда зикр қилинган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни илтифат билан амалга ошириш ва муҳофаза қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Энг муҳим вазифа ҳаётимиз-

инсоннинг табиий дахлсиз ҳуқуқларидир, уларни давлат бермайди, фақат тан олади, кафолатлайди, улардан фойдаланиш учун етарли имкониятларни яратати. Конституциянинг ушбу бобидаги ҳуқуқлардан фақат иккитаси фуқаролар ҳуқуқи тоифасига қиради: 28-модда — бир жойдан иккинчи жойга кўчиш,

асосида чекланиши, лекин бундай чеклашларга зарур бўлсагина йўл қўйилиши мумкин.

Шахсий ҳуқуқларнинг эҳромидан инсоннинг яшаш ҳуқуқи жой олган. Унга суғина қасд қилиш энг оғир жиноят. Жиноят кодексида бу энг муҳим турдаги таъжовуз учун ўлим жазоси кўзда тутилган. Амалиётда уни имкони борича тайин-

одам йимонли, дебнати тугилади. Бу шахсни айбсиз дейишдан ҳам кенгрок маънони англади. Мазкур моддага кўра химоя ҳуқуқи фақат «судда айбланаётган шахсга» берилган. Конституциянинг 116-моддасига биноан эса, бу ҳуқуқ «айбланувчига» тегишли. Жиноят-процессуал кодекси бу қонундан жиддий ривожлантириб,

да жиддий кафолатланмоғи лозим. 29-моддада фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, 31-моддада виждон эркинлиги ифода этилган. Шубҳасиз, ҳар бир эркинлик мейёри билан бўлмоғи керак. Ошқор қилиниши Конституциявий тузумга пугур етказиши эҳтимоли булган ахборот ва давлат сирлари айниқса жиддий муҳофаза эти-

лиши лозим. Сўз эркинлиги осейишталikka, тартибга, одобга пугур етмаслиги керак. Театрда спектакл кетаётганда томошабиннинг «ёнғин» деб бақариши сўз эркинлиги бўлмайди, албатта.


44-моддага биноан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу борада 1995 йил 30 августда махсус қонун қабул қилинган. Аммо 1998 йил давомида судларда кўрилган шундай шикоят ишлари юзтага ҳам етмайди. Ҳаётда бундай шикоятлар жуда кўп бўлсада, қонунимиз амалиётда камдан-кам қўлланилмоқда. Бунга сабаб қонун билан белгиланган тартибнинг мураккаблиги ёки кўпчиликка тушунарли эмаслигидандир. Конституция ва қонуна-

АТ-ТЕРМИЗИЙНИ ГЕРМАНИЯДА ЯХШИ БИЛИШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси археология институти Сурхондарё вилояти бўлимининг бир гуруҳ олимлари Германия сафаридан қайтидилар. ЎзФА археология институти вилоят бўлими мудири, доцент Тўхташ Аннаев сафар таассуротлари ҳақида мухбиримизга куйидагиларни сўзлаб берди.

Германиянинг археология институти ходимлари 1994 йилдан буён профессор Дитрих Хуфф раҳбарлигида Шеробод туманидаги машҳур Жаркун тарихий ёдгорликларида тадқиқот ишлари олиб боришади. Биз Германияга мазкур институт тақлифига биноан бордик. Сафаримиз давомида Марказий Осиё археологиясига ҳамда ал-Ҳаким ат-Термизийга

ли асарини яратган. Бундан ташқари Германияда вақти-вақти билан «Ислом қомуси» нашр қилиб турилади. Мазкур нашрларнинг бирида ат-Термизийга кенг ўрин берилган. Берлин кутубхонасида бобомизнинг ўн бир нафар заковатли шогирдлари, Абу Бакр ал-Варроқ, Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳаким, Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Исо, ал-Ҳасан Али аз-Жузжоний, Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Ҳолид ал-Харавий ва бошқалар ҳақида маълумотлар тўпладик. Германияда қисқа муддат мобайнида ат-Термизий қаламига мансуб юздан зиёд асарлар библиогра-



фиясини тузишга муваффақ бўлинди. У ерда биз бобокалонимиз асарларини асл нусхаси қаерда, дунёнинг қайси кутубхонасида сақланаётганлиги ҳақида муфассал маълумотга эга бўлдик. Масалан, Париж миллий кутубхонасида, Берлин, Лейпциг, Фрейбург шаҳарларидаги кутубхоналарда, Британия музейида, Истамбулдаги Исмоил Соиб кутубхона-

Фахрия

Истеъдод

Республикамизнинг Термиз шаҳрида «Алломиш» боғи яратилиши ҳаётиимиздаги бағоят қувончли воқеа бўлди. «Алломиш» дostonининг юбилей тантаналари кенг миқёсда нишонланиши эса янги-янги асарлар дунё юзини кўришига сабаб бўлди. Достончи бахшиларимиз дўмбира-ю, соғларини уйнатиб кўшиқлар қуйлашди.

Биз бу сафар деновлик Бобораҳим бахши Маматмуродов ҳақида сўз юритамиз. Бобораҳим Бойсунда бўлиб ўтган вилоят кўрик-танловидан ҳафсаласи пир бўлиб қайтди. Узоқ ўйлади. Нимага бундай кечганлигига ақли етмади, миясини юз минг хаёл кемирди. Шу ўй билан остона хатлади. Пешвоз чиққан хотинига синиқ овозда деди:

— Хотин, омад қайтди, дейман-ов!
— Нега? Бундай дея кўрманг, тўрам. Ўнг елкамизда доим фаришталар борлигини унутманг. Яхши гапгайм, ёмон гапгайм «Омин» дегайлар, — деди Турсунбиби эрининг қўлидан дўмбирасини аста олarkan. — Хафа бўлманг, тўрам. Оллоҳ ёр бўлса ҳаммаси изига тушиб кетади. Шояд ахшигина олқишлару совринларга муяссар



ОМАДЛИ БАХШИ

тонларни ёд олиб созга қўшиб қуйлай бошлади. Эшитганларнинг қалбига кириб борди. Қашқадарлик Қодир бахшига шогирд тушди. Юртдоши Тошмурод бахши унинг бошини силаб оқ фотиҳасини дариг тутмади.

Ийлар салтанати Бобораҳим бахшига эл олқишларини ҳаёда этди. 1980 йили Сурхондарёда, 1982 йили Шаҳрисабзда ўтказилган қатор фестивалларда иштирок этиб, муносиб ном орттирди. Айниқса, Хоразмда бўлиб ўтган фестивал унинг ёдида бир умрга муҳрланиб қолган.

Бахшилар сулоласи бугунги кунда Равашан, Шодмон, Жўрабек каби навқирон ёш ниҳоллар билан бойиб бормоқда.

— Термиз шаҳрида бўлиб ўтган анжуман раёсати меннинг ижодимни ўридли баҳолаганидан бир умрга бахтиёрман, — дейди Бобораҳим бахши.

У яна кўлига созини олади. Кўнғирок овозда янги туғилган достондан жўшиб қуйлайди:

Шаҳзодам, қилар ишим билан,
Хўрсор юрта даври-даври сураман,
«Ок» дуони дариг тутманг онажон-ей,
Сарвиғулга уйланмасам ўламан.

Санъат шунақа: у ҳамisha мардлик ва мангуликни, жасорат ва жасурликни, инсонийлик ва самимий муҳаббатни авлодлардан авлодларга етказди.

Ҳикматуллоҳ КОДИРОВ

Диққат! Янги китоб

Аёл — табиатнинг буюк мўъжизаси, у оила чаргобони, фаровон, гўзал ҳаётиимиз гарови, хонадонимиз файзи ва фарзандларимизнинг меҳрибон онаси. «Юртбошимиз»... Аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, кизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим! деб бежиз айтмадилар. Аёл кадр-қиммати янада кўтариш, оила фаровонлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бирига айланди.

«Аёллар йили» деб эълон қилинган жорий йилда Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти ҳам бу санага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ўзбекистон тарихида илк бор «Хотин-қизлар энциклопедияси»ни нашрдан чиқариб китобхоналарга тақдим этди. Китобда хотин-қизларни қизиқтирувчи барча бўлимлар мавжуд.

Китобнинг Бош таҳрир хайъати аъзолари кўзга кўринган олималар, жамоат арбобларидан ташкил топди.

Китоб тўққиз бўлимдан иборат. Балоғат пиллапо-ялари, оила, эр-хотинлик, оналик, уй-рўзгор ва ҳордиқ, косметика ва бошқалар. Ҳар бир бўлимда хотин-қизлар ҳаётида муайян ўрин ва аҳамиятга эга бўлган масалалар гуруҳланиб, атрофликка ёритилган. Унда қиз боланинг дунёга келишидан бошлаб, уни тарбиялаб ўстириш, балоғат ёшига еттуғина қадар ички ва ташқи дунёсидан юз берадиган ўзгаришлар, қиз болани оила қуришга тайёрлаш, эр-хотинлик муносабатлари, рўзгор ташвишлари, оналик бахти, оиланинг ахлоқий-руҳий муҳити, муҳаббат ва вафо каби масалалар ўрин олган. Масалан, «Орастасиз — фариштасиз» мавзуи, гўзал ёшлиқнинг нафосати, балоғат ёшидаги қизлар гигиенаси, тозалик, сиҳат-саломатлик каби бир қанча масалаларни ўз

дафтари», «Китоб ўқишни ташламанг», «Дуғоналар», «Янги ҳаёт остонасида» каби бир қанча мавзулар ҳам «Балоғат пиллапо-ялари» бўлимида берилган.

Ундан кейин «Оила» бўлимига ўтлади. Бу бўлимда «Оила — муқаддас даргоҳ», «Боболи хонадон», «Ота азиз», «Она — оила чаргобони», «Жигарлар: ака-укалар, опа-сингиллар»

ХОТИН-КИЗЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ



каби мавзуларда фикр юритилди. Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас кўрғон ҳисоблангани, ўзбек оналарининг сериалдизлик, сербутоқлик хусусиятлари бошқа миллат киши-ларидан хайрат ҳам ҳурмат уйғотиши, оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этиши ва оиланинг ички масалалари ҳақида сўз боради. Бобо ва бувили хонадоннинг файзли, фариштали бўлиши, ҳаётини тажриба ортиб бориши, тежамли ва саршата рўзгор тутилишида, ёш авлоднинг хуш ҳулқи, одоби, маънавий етук бўлиб камол топишида кексаларнинг ҳиссалари беки-ёсдир, ёш авлоднинг маънавий жиҳатдан етук воғна етиши учун гаровдир. Сиз китобда булар ҳақида ҳам батафсил ўқийсиз.

«Ота азиз», «Она — оила чаргобони» мавзуларида эса Ота — бамисоли қудратли тоғ, чинор, оиланинг мустақам ва буқилмас таъянчи, Она — оиланинг ус-туни, фариштаси, она улуг ва муқаддаслиги, боласининг посбони, ҳимоячиси, сирдош дўсти ва қиблагар ҳоши сифатида намоён бўлади. «Жигарлар» мавзу-сида бир ота-онадан туғилган фарзандларни — оғани, опа-сингилларни хал-

қимиз аниқ сифат бериб жигарлар деб атайдик. Улар киши вужуди тирик-лигини таъминловчи аъзо (жигар) номи билан аъзо-лишида буюм ўзаро бир-бирларига ҳам ҳаётини (моддий), ҳам маънавий қувват бериб туришлигига ишора бор.

«Келинлик одоби» бўлимида «Момолар ўғити», «Қайнона ва келин», «Келин — пайванд», «Келинчақ либослари», «Овсинлар», «Қайинбўйин», «Уйингиз — қалъангиз» каби мавзуларга батафсил тўхталган.

Шунингдек, китобда «Хусн ва тансиҳатлик», «Кийим, бичиш-тиқиш», «Тўй маросимлари, одат-лар», «Аёллар ҳақида» каби бир қанча бўлимлар мавжудки, ўқувчи ўзини қизиқтирган барча савол-ларга жавоб топади деган умиддамиз.

Яна умид қиламизки, бу китоб ҳар бир уй бекасининг қундалик ишлари-га дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Ўзбек аёл-лари учун ўз тилимизда чоп этилган «Хотин-қизлар энциклопедияси» биринчи бор чиққани билан ҳам қимматлидир.

Моҳина АШИРОВА, санъатшунос.

АЖОЙИБ КЎПРИК

Йирик дарёлар узра дастлабки кўприклар милoddan аввалги 600 йилларда барпо этилган. Бобил мамлакатидан милoddan аввалги 604-562 йилларда Дажла дарёсига пишиқ гишт ва тошдан тикланган еттига улкан устунга биринчи дарё кўприги қурилган.

Бу улкан иншоотни қуриш вақтида канал қазилиб, дарё суви вақтинча шу каналга оқизилган. Кўприк кема ўтаётганда кўтариладиган қилиб қурилган.

Италиянинг Рим шаҳридан ўтувчи Тибро дарёси устига ҳам худди шу тарзда кўприк қурилган.

ЕТТИ ХИЛ КЎРИНИШДА

Бизга маълумки, чақмоқ ва момақалдирок атмосферарадаги зарядланган ҳаво массасининг разрядланиши на-тижасида вужудга келади.

Бу разрядлар етти хил бўлиб, булар элми оловлари, оддий чақмоқ, чизикли, ясси, узлуқли, ракетасимон ва шарсимон чақмоқлар деб аталади. Уларнинг баъзилари чақмоқ (ёруғлик) тарзида кўриниб, кўпинча товуқсиз ҳосил бўлади.

Ёруғликсиз момақалдирок кўпроқ ясси чақмоқда ҳосил бўлиб, одатда бир булут иккинчи булут устида ҳаракат қилганда вужудга келади.

«Тарихнинг ўқилмаган са-

Фаройиб олам

МАРСНИНГ БИРИНЧИ ФУҚАРОСИ

Марсга яшаш учун юбориладиган биринчи одам Англия фуқароси бўлиши эҳтимолга жуда яқин. «Мирор» газетаси инглиз астронавти Майкл Фолзнинг фикрларини ўрганиб, шундай хулосага келди. У журналистларга америкалик ва британиялик космонавтлар ҳамкорлигида Марсда яшаш шароити қанчалик ҳаётга мослашганлигини ўрганиш учун яқин ўн йилликда бир неча экспедициялар уюштирилишини айтиб ўтди. НАСАнинг сўнгги тадқиқотларига кўра, Марсда кислород ишлаб чиқарувчи заводлар қуриш мумкин, сувни эса қизил сайёра қаъридан изласа бўлар экан. Агар НАСАнинг юқоридаги назарий таҳминлари амалга ошадиган бўлса, келажақда Ерга энг яқин бўлган сайёрада кичик-кичик шаҳарлар қад кўтариши ҳақиқатга яқин. Икки орадаги масо-

фани эса замонавий техникалар ёрдамида 6 ой муддатда босиб ўтиш мумкин. Марсдаги кичик шаҳарчалар одамлари эса сайёра замиридаги қимматбахо уран ва бошқа ноёб металларни қазиб олиш билан банд бўлишади.

ЧИЛАНГАРНИНГ БУЮК ТОПИЛМАСИ

Сув қувурларини тузатишдан бўш вақтларида Англиянинг Ньюпорт шаҳарчасида истикомат қилувчи чилангар Колин Робертс ҳазина излашни одат қилган эди. Эҳтимол шунинг учун ҳамдир таниш-билишлари чилангарни бироз галатирок деб ҳисоблашарди. Бироқ, у XX асрдаги ноёб археологик топилмалардан бирини оғач, унга бўлган муносабат кескин ўзгарди.

Северснэйт қишлоғининг ёнидаги майдонни Колин илма-тешик қилиб қовлаб ташлади. Сабаби эса чилангар тушида айнан шу майдондан бир қанча қумуш тангалар топиб олади. Олдинга Колин бунга унчалик эътибор бермади. Лекин бир қанча муддат ўтган, туш яна такрорланди. Шундан сўнг у қазини учун зарур бўлган иш қуролларини олди-да, Северснэйт қишлоғидаги қирга йўналди ва ҳақиқатдан ҳам мўъжиза юз берди: биринчи икки қумуш тангани у бор-йўғи 10 сантиметр чуқурликдан топди. Яна чуқурроқ қовлағач, худди шундай олтин тангани топилди муваффақ бўлди. Ушақуни у Рим империяси даврига тегишли 4 мингдан кўпроқ қумуш ва бронза тангаларга эга бўлди. Хурсандчиликдан ўзини йўқотиб қўйган Колин дарҳол миллий музей ходимларига хабар беради. Улар қазилмани текширувдан ўтказишган, дарҳақиқат чилангар XX асрдаги ноёб археологик топилмани очганини эътироф этишди.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-Доверие), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латилов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.



МЕҲРИДАРЁ ШИФОКОРЛАР

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган Машинасозлар кундузги ши-фохонасида даволаш ишлари замон талаблари даражасида олиб борилапти. Бу ерга на-жот истаб келган беморларни тиббиёт ходимлари очик чеҳ-ра билан қутиб олишади. Бу ерда ташхис қўйиш ва даво-лаш учун барча имкониятлар етарли. Шунинг учун ҳам ши-фокорлар хизматидан аҳоли мамнун.

Суратларда: Шифохона бўлими И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар
бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот
қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.
IBM компьютеридан терилди ва саҳифаланди. Офсет
усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ,
Сотувда эркин нархда.

«Шарқ-нашриёт» — матбаа концерни
босмаханаси. Корхона маънавий:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш
вақти — 21.00
Топширилди 1.30

Буюртма Г— 1007. 1 2 3 4 5 6